

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ТҮҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

---

**Қўлёзма хукуқида  
УДК 332.37.71+32M(569.11)**

**АКРАМОВ НАБИЖОН ШОРАЖАБОВИЧ  
ТҮҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА СТРАТЕГИК БОШҚАРИШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.13 – “Менежмент”**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)  
даражасини олиш учун тайёрланган**


**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Ҳошимов А.А.**

**Тошкент – 2023 йил**

**1**

**1281**



# МУНДАРИЖА

	<b>Кириш.....</b>	3
<b>1-БОБ.</b>	<b>СТРАТЕГИК БОШҚАРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	12
1.1.	Стратегик бошқаришнинг моҳияти ва унинг бошқарув тизимидағи ўрни .....	12
1.2.	Саноат корхоналарида стратегик бошқарувнинг ёндашувлари ва моделлари .....	30
1.3.	Тўқимачилик корхоналарида стратегик бошқаришни такомиллаштиришнинг зарурати .....	39
	1-боб бўйича хулоса .....	47
<b>2-БОБ.</b>	<b>ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ .....</b>	49
2.1.	Тўқимачилик саноати ривожланиши ва уни стратегик бошқаришнинг ҳозирги ҳолати таҳлили .....	49
2.2.	Тўқимачилик корхоналари стратегик ривожида бозор омиллари таъсири таҳлили .....	61
2.3.	Тўқимачилик корхоналарида стратегик салоҳиятга техник жиҳозланиш таъсири таҳлили .....	80
	2 - боб бўйича хулоса .....	89
<b>3-БОБ.</b>	<b>ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИДА СТРАТЕГИК БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....</b>	92
3.1.	Тўқимачилик корхоналарида стратегик бошқарув технологиясини такомиллаштириш .....	92
3.2.	Тўқимачилик корхоналарида стратегик бошқариш механизmlарини такомиллаштириш .....	106
3.3.	Тўқимачилик корхоналарида стратегик бошқарув самарадорлигини баҳолаш усулини такомиллаштириш .....	122
	3 - боб бўйича хулоса .....	141
	<b>ХУЛОСА .....</b>	145
	<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	150
	<b>ИЛОВА .....</b>	155

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси**

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида рақобатнинг кучайиб бориши шароитида тўқимачилик саноати ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашда замонавий бошқарув усусларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Дунё миқёсида табиий толалардан йилига 34 млн. тонна газламалар ишлаб чиқарилиб, бу сунъий тўқимачилик маҳсулотлари ҳажмидан 2 марта ортиқдир. Тўқимачилик саноати жадал суръатларда ривожланаётган асосий ҳудудларга Жанубий Осиё, Шарқий Осиё, МДХ, АҚШ ва Европа давлатларини киритиш мумкин”<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан истеъмолчиларнинг доимий равищда кийим-кечак маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришда тўқимачилик корхоналарида стратегик бошқаришни такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда тўқимачилик корхоналари фаолиятини бошқаришда натижалар бўйича бошқариш, сифатни бошқариш, қиймат асосида бошқариш, стратегик бошқариш йўналишлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Сифат менежменти халқаро тамойиллари асосида бошқариш, бошқариш турлари ўзаро интеграциялашуви, ривожланиш билан боғлиқ стратегияни моделлаштириш, баланслаштирилган кўрсаткичлар тизимини қўллаш, бизнесни моделлаштириш, фаолият таянч кўрсаткичлари мониторинги каби бошқарув технологияларини жорий этиш, корхоналар фаолиятини стратегик самарадорлигини ошириш ушбу йўналишдаги илмий тадқиқот ишларининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда тўқимачилик саноати ўзак тармоқлардан бири саналиб, ушбу тармоқни янада ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш, сифат менежменти тизимини жорий этиш, бошқаришда инновацион усусларни қўллаш борасида кенг кўламдаги амалий ишлар олиб борилмоқда.

<sup>1</sup> <https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira/>